

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Ота-боболаримизнинг жасорати ва матонати олдида ҳамиша таъзимдамиз



ЎЗБЕКИСТОН Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм устидан қозонилган ғалабага ўзининг машаққатли меҳнати билан салмоқли ҳисса қўшди.

Ўзбек халқи инсониятнинг ашаддий душмани бўлган фашизмга қарши жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиш билан бирга фронт ортида ҳам фидойиларча меҳнат қилиб, фронтни узлуксиз равишда керакли ашёлар билан таъминлади.

Республикамизга фронт чизигидан кўчириб келтирилган sanoat корхоналарини жойлаштириш, уларни қийин бир шароитда тезда ишга тушириш, эвакуация қилинган аҳолига ғамхўрлик кўрсатиш, ярадор жангчиларга ёрдам бериш, фронт учун қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат тайёрлаш ва еткази

зиб бериш, янги қисмларни тузиб фронтга сафарбар этиш, жангчиларнинг oilасига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қисқаси, фронт учун, ғалаба учун нимаики керак бўлса, Ўзбекистонликлар ортиги билан амалга оширдилар. Фронт орти жангтоҳ каби жасорат майдонига айланди. Уруш халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини қайта қуришни, ҳарбий изга солишни тақозо этган эди. Ўзбекистон бутун бир индустриал базага айлантирилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2018 йил 9 май кuni "9 май — Хотира ва қадрлаш кuni"га бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек: "Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустақам таъминот базасига айланди. Юртимизнинг sanoat корхо-

налари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди. Ўлкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат қилдилар. Уруш даврида халқимиз томонидан фронтга 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғ, юзлаб ҳарбий-санитария поездлари, дала ошхоналари, палаткалар, жуда катта миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари тўплаган маблаглар ҳисобидан ўнлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди".

2-БЕТ

САҲИФАЛАРДА:

Қудратли тўлқин

...Китобга меҳр тўлкини бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалди. Олис туман ва қишлоқларда ҳам бугунги кун мавзуси — КИТОБ!

Гаровсиз кредит борми?

— Кредит оломқчиман, лекин гаровга қўядиган мулким ҳам, кафил бўладиган одам ҳам йўқ. Кредитни қандай олсам бўлади?

Эски ҳаммом — эски тос

ёхуд иш услуби ўзгармаётган "Ермулккадастр"

Норасида гўдак онасининг жонига ора кирди

"ҒОЙИБ" БЎЛГАН ТРАКТОР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

"ИНСОН ва ҚОНУН" газетаси таҳририятига 2019 йил 12 мартда Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманида яшовчи И.Жамиев мурожаат қилган эди. Маълум бўлишича, у шу йилнинг 15 февралда "E-ijro aukcion" орқали ғойиб бўлиб, махсус техникага, яъни тракторга эғалик ҳуқуқини қўлга киритади. Фуқаро техниканинг пулини тўлиқ тўлаб бўлиб, уни оломқчи бўлганида эса эғалик ҳуқуқининг асл нусхаси бўлмагани учун Хўжайли туман Мажбурий ижро бюроси томонидан унга рухсат берилмайди. Орадан бир ҳафта ўтиб, эғалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат билан борганда эса И.Жамиев аукцион орқали ютиб олган трактори талон-тарож бўлганлигига гувоҳ бўлади. И.Жамиевнинг ушбу ҳолатдан норози бўлиб "Инсон ва қонун"га йўллаган мурожаати юзасидан таҳририят Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига хат жўнатди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг таҳририятимизга йўллаган жавоб хатидан маълум бўлдики, мурожаат муаллифининг солиқ идораси ҳамда Хўжайли туман электр тармоқлари корхонасидан қарзи мавжудлиги сабабли 2018 йилда давлат ижросиси томонидан унга тегишли бўлган иккита трактор хатланган экан.

Шундан кейин хатланган тракторларни реализация қилиш мақсадида "Nukus baholash va konsalting" МЧЖ томонидан уларнинг ҳар бири 18 853 230 сўмга баҳолашиб, "E-ijro aukcion" ягона электрон савдо майдончасига сотиш учун чиқарилган.

Электрон-онлайн аукцион натижалари бўйича ТТЗ-100 трактори ҳақиқатан ҳам И.Жамиев томонидан 9 426 629 сўм 85 тийинга ютиб олинганлиги маълум бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг таҳририятга маълумот

беришича, бюронинг Хўжайли туман бўлими давлат ижросиси томонидан 2019 йил 20 мартда электрон-онлайн аукционда сотилган автотранспорт воситасини топшириш тўғрисида далолатнома тузилиб, нусхаси мурожаат муаллифига ютиб олган трактори билан бирга топширилибди. И.Жамиевнинг мурожаати тўлиқ қаноатлантирилганлиги жавоб хати орқали маълум қилинди.

Таҳририят



Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида фронт учун зарур бўлган ўқ-дори, ҳарбий техника ва бошқа анжонлар етказиб беришда тиним билмади. Ўзбекистон 1941-1945 йиллардаги уруш давомида фронтга 2100 та самолёт, 17342 та авиатор, 2138 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 миллион дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 миллион дона граната, дала радиостанциялари учун 3 миллион радиолампа, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий-санитария ва ҳаммом кир ювиш поезди, 2200 та кўча ошхона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжонлар етказиб берди.

Ҳарбий корхоналари ишга тушириб кўлаб миқдорда ҳарбий анжонлар ишлаб чиқаришга шахарликлардан ташқари қарийб 500 минг нафар колхозчи жалб қилинди. Республикада ишчи ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш жорий этилди. Катта ёшдагилар учун иш куни 6 кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Ҳақиқатда эса у 12-14 соатга етар эди. Таътилга чиқиш бекор қилинди. 1940 йилда саноат ишчилари орасида хотин-қизлар салмоғи 34 фоизни ташкил қилган бўлса, 1942 йилга келиб бу кўрсаткич 63,5 фоизга етди. Оғир шароитда халқимиз йирик халқ хўжалиги қурилишларида ҳам фаолият кўрсатди. Бу даврдаги машаққатларни сўз билан таърифлаш жуда қийин.

Завод ва фабрикаларда ишлайдиган хотин-қизлар, ҳатто ойлаб цехлардан чиқмай меҳнат қилдилар. Улар овқатларини шу ерда ейишар, дам олиш тўғрисида эса умуман ўйламас эдилар. Кунбуйи тинмай меҳнат қилганларидан кейин шахарда ташкил этилган донорлик пунктларига бориб, ярадор жангчилар учун қон беришарди.

Ўзбекистон деҳқонлари қийинчиликларга қарамай, оғир шароитда фидокорона меҳнат қилди. Шунинг эвазига уруш йиллари ўзбек деҳқонлари 4.148.000 тонна пахта, 82.000.000 пуд галла, 54.067 тонна пилла, 195.000 тонна шолі, 57.444 тонна мева, 36.000 тонна қурилган мева, 159.300 тонна гўшт, 22.300 тонна жун тайёрлаб берди.

Ўзбекистон аҳли урушнинг дастлабки 6 ойи мобайнида фронтга 421.500 та турли иссиқ кийимлар юборди. Якка тартибда ва жамоа йўли билан юборилган совға-салом ва озик-овқатлар бунга кирмади. Фронт учун, галаба учун халқимиз маблағларини ҳам аямади. Улардан йигилган пулга "Ўзбекистон колхозчиси", "Ўзбекистон авиаэскадрильяси", "Санитария-авиация полки" каби танк колонналари, самолёт эскадрильялари ташкил этилди.

1943 йилнинг ўзида танк колоннаси, самолёт эскадрильяси қуриш учун Тошкент шахар меҳнаткашлари шахсий жамғармаларидан 34 миллион 210 минг сўм, сурхондарёликлар 28 миллион сўм ажратдилар. Бу каби мисолни ҳар бир вилоят бўйича келтириб ўтишимиз мумкин. Уруш йиллари республикамиз меҳнаткашлари томонидан мудофаа фондида 649,9 миллион сўм пул йиғилди ва 22 кг. олтин ва қумуш топширилди.

Булар ўзбек халқининг оғир ва тинимсиз меҳнати, кўз қорачигидек яхши кунлари учун асраб-авайлаб сақлаган маблағлари эди. Юртдошларимизнинг галаба йўлида чеккан заҳматларини ҳеч нарсасга тенглаштириб ҳам, қийслаб ҳам бўлмади. Ўзбек фарзандлари фашизмга қарши шиддатли жангларда жон олиб жон бераётган паллада уларнинг кекса ота-оналари, суяукли ёрлари, меҳрибон опа-сингиллари, укалари фронт ортида мислсиз жасорат кўрсатиб, тунни-тонгга улаб меҳнат қилдилар. Уруш қабоҳати ҳар бир хонадонга бало-қазодек ёпирилиб кирди. Жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган фарзандлардан келган қора хатлар юракларни ларзага солди. Аммо матонатли, иродали халқимиз ҳар қандай синовларга бардош берди.

Манбаларда қайд этилишича, Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, 1,5 миллиондан ортиғи урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдақлар, болалар, қария ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг учдан бир қисми жанговар ҳаракатларда қатнашган. Бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 мингга яқин юртдошларимиз ҳалок бўлган, қанчадан-қанча юртдошларимиз бедарак кетди, минглаб инсонлар ногирон бўлиб

Дономи. Бошланиши 1-бетда

Ота-боболаримизнинг ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ олдида ҳамиша таъзимдамиз

қолди. Қайд этилган рақамлардан кўришиб турибдики, уруш оқибатлари халқимиз қалбига, унинг ҳаётига қандай оғир жароҳат етказганини тасаввур этиш мушкул эмас.

Ўзбекистонликларнинг мураккаб даврдаги матонати, фидокорона меҳнати ва жасорати фашизм устидан қозонилган галабага беқиёс ҳисса қўшди ва кишилик тараққиётини ҳалокатдан сақлаб қолди.

Суронли йилларда жанггоҳлар ва фронт ортида жасорат кўрсатган барча юртдошларимизни хотирлаш, азиз фахрийларимизни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳар бириимизнинг муқаддас бурчимиздир.

Юртбошимиз айтганидек: "Бугун фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бугун ҳаётимизга фэйз бағишлаб юрган муҳтарам фахрийларимиз олдида барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз".

Ҳаким АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети
тарих фанлари номзоди, доцент



БУЮК донишмандларнинг ҳикматли сўзларида "Тараққиётнинг умумий қўламини ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади", дейилган. Демак, тараққиёт ва тафаккур чўққисини китоб билан забт этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас. Китобга меҳр тўлқини бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалди. Олис туман ва қишлоқларда ҳам бугунги кун мавзуси — КИТОБ!

Сўхбатдошимиз Ғиждувон туман ҳокими ўринбосари Шоназар ҒАЙБУЛЛАЕВ.

— Шоназар Мирбобоевич! Президентимиз жорий йил 19 март кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада Сизнинг фикрингиз қандай?

— Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ёшларга эътиборни қучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияла-

ридан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланди. Президентимиз ихтиёми, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурди.

Юртбошимиз ўзини ҳурмат қилган ҳар бир раҳбар ўзи таҳсил олган мактабининг кутубхона фондида 10 донадан бадий китобни тақдим этиши катта савоб иш бўлишини алоҳида таъкидлади. Ва бу хайрли тақдир бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қўллаб-қувватланди, қудратли тўлқинга айланди. Ана шу ташаббус шарофати билан туманимиз мактаб кутубхоналарига бугунги кунда 4000 га яқин китоб тақдим қилинди. Бу рақам ойининг охирига қадар 10 мингга етиши аниқ. Туманимиз ҳокими Муроджон Умаров раҳбарлигида мактабларга 20 тадан кам бўлмаган китоблар жамланмасини совға қилиш давом этмоқда. Китоб ғоят буюк кучдир. Бу кучни мактабларга

қурадан ҳис этдим. Ўз халқини, ёшларини китоб мўъжизаларига ишонтираётган давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси, албатта, ўз мевасини беради. Юртимиз ёшлари билим ва тафаккурда юксак чўққиларни забт этади.

— Йиғилишда маҳаллий ҳокимликларга туман марказида намунали китоб дўкони ташкил этиш, қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизматини кўрсатиш вазифаси юклатилди. Бу борада Ғиждувон туманида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Дарҳақиқат, йиғилишда маҳаллий ҳокимликларга туман марказида намунали китоб дўкони ташкил этиш, қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизматини кўрсатиш вазифаси ҳам юклатилди. Бу борада ҳам туманимизда ўзига хос ютуқларга, албатта, эришамиз.

Жорий йилнинг 30 июнига қадар туман марказида битта замонавий китоб дўкони қуриб фойдаланишга топширилади ва ёшларнинг семвли масканига айланади. Бунга тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилди.

— Айни вақтда туманингиз-

да қанча китоб дўкони бор? Тумандаги илгаридан мавжуд бўлган китоб дўконлари ҳозир қай аҳволда?

— Бугунги кунда туманимизда 13 та китоб дўкони мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти бозор ҳудуди атрофида жойлашган. Аҳолига қулай бўлган жойда жойлашганлиги учун ҳам бу маърифат дўконлари доимо гавжум.

Китоблар савдоси жойларда ҳам кўча тарзда ташкил этилапти. Ўтган ҳафтининг ўзида 5 та мактабга кўча китоб дўкони ташкил этилиб, ёшларга зиё улашилди. Ёшлар билан бир қаторда аҳоли ва ўқитувчилар ҳам бу китоблардан баҳраманд бўлдилар.

— Президентимизнинг юқоридаги топшириғи ижросини таъминлаш юзасидан айни кунларда қандай амалий ишлар режалаштирилган?

— Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари юзасидан туманда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та тамойилни жорий қилиш тизими ишлаб чиқилди. Бу тизимга кўра, 2019-2021 йилларда китоб тарғиботи ва китобхонлик бўйича туман маҳаллаларида 74 та янги кутубхона

очилади. Улардаги китоблар сони 29600 тани ташкил этади. Шундан 330 таси Президент асарлари, 14 200 таси бадий, 3520 таси болалар адабиёти, 440 таси маҳалла тизимида оид, 5500 таси ўсмирлар адабиёти ва 5610 таси бошқа адабиётлардан иборат бўлиши режалаштирилган. Шунингдек, 140 та ташкилотда китоб жавони ташкил этилади. Мактаб ва коллежларда "Ҳафтада бир китоб" акцияси ташкил этилиши ҳам ўз натижасини беради, албатта.

Шунингдек, кутубхоналарда кўрик-танловлар ташкил этиш, семинарлар, конференциялар ўтказиш, тумандаги марказий кутубхонада мактаб ўқувчилари ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйинини ўтказиш, маҳалла ва корхоналарда кичик кутубхоналар ҳамда Абдуҳалиқ Ғиждувоний зияратгоҳи мажмуасида катта кутубхона ташкил этиш, интернет клубларида электрон кутубхоналар базасини шакллантириш каби бир қатор вазифаларни белгиллаб олди. Китоб билан биргамиз.

— Сўхбат учун ташаккур.

"Инсон ва қонун" мухбири
Маруся ҲОСИЛОВА сўхбатлашди.

МАҲАЛЛА РАИСИ ИШОНЧНОМА ТАСДИҚЛАЙ ОЛАДИМИ?

— ТУРЛИ хил ишончномалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқланиши мумкинми? Масалан, мен иш ҳақимни олишим учун маълум шахсга ишонч билдириб, ишончнома тайёрласам, тасдиқлатиш учун маҳалла оқсоқолига мурожаат қилсам бўладими?

Феруз АДҲАМОВ,
Шахрисабз шахри




— Ҳа, бўлади.
Қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) қуйидагиларни олиш учун бериладиган ишончномаларни тасдиқлаши мумкин:
хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва жўнатмаларни олиш;
иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олиш;
муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни олиш;
пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олиш.

ГАРОВСИЗ КРЕДИТ БОРМИ?

— КРЕДИТ олмоқчиман, лекин гаровга қўядиган мулким ҳам, кафил бўладиган одам ҳам йўқ. Кредитни қандай олсам бўлади?

Зулайхо БЕРДИЕВА,
Сурхондарё вилояти



— Мазкур масала "Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади.

Низомга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шахсий томорқа участкаларида маҳсулот етиштириш ва чорвачилик билан шугулланиш учун банклар томонидан туман (шаҳар)даги сектор раҳбари, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан бериладиган тавсиянома асосида аҳолига 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоригача йиллик 7 фоиз ставкада 3 йил муддатга микрокредитлар ажратилади.

Бунда банклар ички кредит сиёсатида мувофиқ, қарз олувчиларга таъминот турларидан бирини (гаров, кафил, сугурта полиси) талаб қилмасдан бланкли (ишончли) кредит бериш ҳуқуқига эга.

Мазкур микрокредитлар пул ўтказиш йўли билан ажратилади. Шу билан бирга мақсаддан келиб чиққан ҳолда микрокредит суммасининг 30 фоизи миқдоридagi қисми нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

СМЕНА БИЛАН ИШЛОВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

— ТЕМИР йўл бекатида смена асосида ишлайман. Дам олиш вақтимда, яъни ишламайдиган кунларимда мени ишга жалб қилишлари тўғрими?

Алижон НОРОВ,
Самарқанд шахри



— Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш, деб ҳисобланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин. Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек, меҳнат шариоити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

ИШОНЧНОМА НЕЧА ЁШЛИЛАРГА БЕРИЛАДИ?

— ЎҒЛИМ 17 ёш, хорижга сафарга кетмоқчиман, вақтинча автомашинами ўғлимга ишончнома билан беришим мумкинми?

Азиз ҲАЙДАРОВ,
Наманган вилояти



— Йўқ, мумкин эмас. 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

РОЗИЛИК ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

— ЎРИНДОШЛИК асосида ишга жойлашмоқчиман, лекин директорим рухсат бермаяпти, шу тўғрими?

Зарифа АБДИЕВА,
Бухоро вилояти



— Нотўғри. Ўриндошлик асосида ишлаш учун иш берувчининг, асосий иш жойидан касаба уюшмаси қўмитасининг (ҳодимларнинг бошқа вакиллик органининг) ёки бошқа органнинг розилиги талаб қилинмайди.

Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга қираётган шахслар:
паспортни ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжатни;
меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан тегишли шакл бўйича маълумотномани тақдим этиши шарт.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАБОЕВ жавоб берди.

СОЛИҚЧИГА САВОЛ

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР УЧУН ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИ СОЛИНАДИ

— АҲОЛИГА кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун ҚҚС солиш тартиби қандай?

Зарнигор АБДУЛЛАЕВА,
Навоий вилояти

Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР ҚҚС ТўЛАЙДИМИ?

— ОИЛАВИЙ корхоналар бугунги кунда ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланади, унинг ялпи тушуми 1 миллиард сўмдан ошганда қўшилган қиймат солиғи тўлаши лозим бўладими?

Холмиёз РАФИҚОВ,
Кармана тумани

равий миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади.

Ушбу нормалар барча солиқ тўловчилар учун бир хилда қўлланилади, шу жумладан, оилавий корхоналар учун ҳам.

МАТБУОТЧИЛАРГА ҚҚСда ИМТИЁЗЛАР БОР

— МАТБУОТ ва ОАВ соҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшилган қиймат солиғида имтиёзлар берилганми?

Ҳусния ИЛҲОМОВА,
Тошкент шахри

ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

СОЛИҚЛАР ИККИ ҚАРРА КўПАЙИБ КЕТДИ... НЕГА?

— ҒАЗ қўйиш шохобчасида маҳсулотнинг таннархига қўшилган қиймат солиғи суммаси таъсир кўрсатмоқда. Бунда акциз солиғи суммаси устидан қўшилган қиймат солиғи суммаси олинмоқда. Бу солиқларни икки қарра тўлашга олиб келмоқда. Ушбу ҳолатнинг қандай ечими мавжуд?

Холмиёз ҚУВВАТОВ,
Зарафшон шахри

Шунга қўра, бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчига реализация қилиш чоғида тўланадиган акциз солиғи киритилмаган ҳолда аниқланади ва ушбу солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади.

Саволларга Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси
бош инспектори Ғофур АБДУАЛИМОВ жавоб берди.

МАМЛАКАТИМИЗ қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ҳозирда 17 та кодекс мавжуд. Улар орасида Фуқаролик кодекси ҳеч бир муболағасиз муносабатлар қўламининг кенглиги, ранг-баранглиги билан ўзига хос ўрин тутати. Мазкур кодекс мазмунан ва ҳажман, шунингдек, бирмунча барқарорлиги билан мамлакатимиз қонун ҳужжатлари миллий базасида бошқа қонунлардан, хусусан, кодекслардан ажралиб туради.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ:



ЎТМИШ, БУГУНГИ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛ

АМАЛДАГИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРДИМИ?

Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишида қайд этилганидек, "1995-1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси "ўтиш даври"нинг кенг қўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун мустақим ҳуқуқий замин яратишга имкон берди". Яъни, UNIDRUА тамойилларида белгиланганидек, товарлар, хизматлар ва капиталларнинг эркин ҳаракатида бўлишини таъминловчи кодификациявий қонун — Фуқаролик кодекси ўз даврида зиммасидаги юкни бажарди, дейиш мумкин.

Аммо сифат жиҳатидан изчиллик билан ўзгараётган бугунги кунда тадбиркорлар ва хусусий мулкдорлар, потенциал хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш бирламчи вазифадир. Шу маънода, мазкур Фармойиш фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштириш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асос яратиш борасида жиддий қадамнинг ташлалиши бўлди. Аввало, фуқаролик қонунчилигини тақомиллаштириш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини янги тахрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этди.

Ушбу кодекс узоқ йиллар давомида жумладан, Собик Иттифоқ тузумида, хусусан, XX асрнинг 60-йиллари бошларигача амал қилган фуқаролик қонунчилиги ўз даври зиддиятларини ўз мазмунинида акс эттирган, шунингдек, кейинчалик у ўз даврининг мафқурасига хизмат қилган.

Мустақиллик йилларида турли мулк шакллари асосланган бозор муносабатларини барпо қилишга ва шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1995 йил 21 декабрда (биринчи қисми), 1996 йил 29 августда (иккинчи қисми) қабул қилиниб, иккала қисм бир вақтда — 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилди.

Амалга киритилганига 22 йилдан ошган Фуқаролик кодексига шу кунгача (2019 йил 17 апрель ҳолатига) жами 162 та ўзгартириш ва қўшимча киритилди.

Мазкур киритилган ўзгартиришлар ёки қўшимчалар турли омиллардан — ислохотлар талабидан келиб чиқиб амалга оширилган.

МАЗМУН-МУНДАРИЖА ВА ШАКЛ- ШАМОЙИЛИГА КЕСКИН ТАЪСИР ЭТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

Кодексга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг энг салмоқлиси, мазмун-мундарижасига, шакл-шамойилига кескин таъсир этган ўзгаришлар бу — "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносаба-

ти билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 2007 йил 16 январдаги Қонун бўлди. Унинг қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик кодексининг 1052 (муаллифлик ҳуқуқи), 1053 (муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ), 1054 (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ), 1055 (асарни эълон қилиш ҳуқуқи), 1057 (асардан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этиш), 1064 (муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг бошланиши), 1071 (муаллифлик лицензия шартномасининг амал қилиш мuddати), 1072 (асардан шартнома тузмаган ҳолда ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик), 1080 (кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари) ва 1081 (турдош ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ва асардан шартнома тузмаган ҳолда гайриқонуний равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик) моддалари, жами 10 та модда ўз кучини йўқотди.

Корпоратив бошқарув тизими шаклларида, юридик шахсларнинг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланган — акциядорлик жамиятларининг "очиқ" ва "ёпиқ" турлари барҳам топди. Бинобарин, 65-модда (Очиқ акциядорлар жамияти) ва 66-модда (Ёпиқ акциядорлар жамияти) ЎРҚ-372-сон Қонун билан кодексдан чиқарилди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ислохотлар жараёнида ижтимоий-маънавий ҳаётимизнинг талабидан келиб чиқиб, кодекс 3 та янги модда билан тўлдирилди. Жумладан, 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сон Қонунга мувофиқ 1140-модда (Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси), 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон Қонунга мувофиқ 626-модда (Ўй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасининг шакли) ва 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сон қонуни билан 1107-модда (Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг туғиши).

Ҳисоб бўйича кодексдан бугунги кунгача 12 та модда чиқарилиб, 3 та модда киритилди. Хуллас, ҳозирда Фуқаролик кодексига 1190 та модда амалдадир.

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқининг ҳар бир субъекти бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарликка тортилади. Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланган ҳар қандай шахс (жисмоний ва юридик шахс, шу жумладан, давлат) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти ҳисобланади. Давлат ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти сифатида бошқа шахсларга етказилган зарарни қоплаши, ўз зиммасидаги мажбуриятни бажармаганда белгиланган жаримани тўлаши лозим бўлади.

Давлатга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқни қўллашда биринчи навбатда давлатнинг ўзига хос мураккаб тузилма экани ҳисобга олиниши лозим. Зеро, давлатга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқни қўллаш фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан жавобгарлиқни қўллашга қараганда бир қатор ўзига хосликларга эга бўлади. Биринчидан, фуқаролар ва юридик шахсларда жавобгарлик субъекти аниқ бир шахс ҳисоблана ва субъектни аниқлаш муаммоси мавжуд бўлмаса, давлатда айнан қайси давлат органи ёки давлатга тегишли юридик шахс жавобгар бўлиши дастлаб аниқланиши лозим. Иккинчидан, давлатнинг ўз органилари ва юридик шахслари учун субсидиар жавобгарлиги, фуқаролар ва юридик шахслардан фарқли равишда ҳар доим кузатиладиган ҳолат ҳисобланади.

Манбаларда қайд этилганидек, давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий (мулк) жавобгарлиги муаммоси унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси

сифатидаги мақомини аниқлаш билан узвий боғлиқдир. Фуқаролик кодексининг 79-моддасида давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этиши белгиланган. Ҳар бир оммавий-ҳуқуқий субъект ўз мулкнинг мулкдори ҳисобланади ва бу ҳолат унинг бошқа оммавий-ҳуқуқий тузилма учун жавобгарлигини инкор этади. Мазкур фикрни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, давлат органилари ва улар томонидан вакил қилинган бошқа органлар давлат номидан иштирок этар экан, вужудга келган фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият учун ҳам уларнинг ўзи жавобгар бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқни давлатга нисбатан қўллашнинг иккинчи ўзига хос хусусияти давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини белгиллаш фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги давлат иштирокининг шаклларида келиб чиқиб ҳозирги замонавий фуқаролик ҳуқуқи олдидаги муҳим вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтгача давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги умумий асосларда Фуқаролик кодексининг 80-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ҳал қилиниб келинмоқда. Ушбу модданинг мазмунидан аниқлаштирилишича, давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари учун жавобгар эмас, юридик шахс ҳам давлатнинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат қафолат берган ҳоллар эса бундан мустасно ҳисобланади.

Бироқ давлат ва унга тегишли юридик шахсларнинг ўзаро муносабатлардаги иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлиқни аниқлаш баҳслилигича қолмоқда. Бу ҳолат биринчи навбатда бозор муносабатлари шароитида корхона мол-мулк мақомидан фуқаролик ҳуқуқи субъектчилиги мақомига ўтиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бир вақтнинг ўзига корхона (юридик шахс мақомига эга бошқа ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар) ҳам ҳуқуқ субъекти ва объекти ҳисобланишидир. Зеро, корхона ва юридик шахслар ҳуқуқ субъекти сифатида фуқаролик муомаласида ўз номидан иштирок этиб, шартнома ва битимлар тузсалар ҳам, мол-мулкнинг бир қўриниши сифатида сотилиши (Фуқаролик кодексининг 85, 489-496-моддалари), рентага топширилиши (Фуқаролик кодексининг 512-529-моддалари), ижарага (Фуқаролик кодексининг 579-586-моддалари) ва ишончли бошқаришга берилиши (Фуқаролик кодексининг 849-861-моддалари) мумкинлиги давлатга тегишли юридик шахслнинг жавобгарлигидан давлатнинг жавобгарлиги ўртасидаги фарқ ва чегарани аниқлаш, давлатнинг ўзига қарашли юридик шахслар ва органиларнинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар ва солидар жавобгарлиги ҳолати мезонларини белгиллаш лозим. Мазкур ҳолатда бозор муносабатлари шароитида давлатга тегишли юридик шахсларнинг фақат оператив бошқариш ва ҳўжалик юритиш ҳуқуқи асосида эмас, бошқа ҳуқуқий асослар ва шартлар асосида ҳам фойлият юритиши мумкинлигини эсдан чиқармаслиқ лозим.

Шу ўринда айтиш мумкинки, давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқ субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини тақомиллаштириш зарурияти ҳозирги пайтда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Уни ислохотлар жараёни талабларидан келиб чиқиб, эволюцион тарзда тақомилга етказиб бориш лозимдир. Бунда бозор иқтисодиётининг ўзига хос Конституцияси ҳисобланган Фуқаролик кодексининг ўрни, шубҳасиз, беқиёсдир.

Ишланиши кўтилаётган кодекс иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартириши, мулк нимаю, мулкдор ким, унинг титул ҳуқуқлари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш усул ва воситалари нималардан иборат, шартномавийликка, мамлакатда ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий иқлимни яхшилашга, пировардида, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга хизмат қилиши лозим.

Миродил БАРАТОВ,
юридик фанлар доктори, профессор



САЙЁР ҚАБУЛ САМАРАСИ



ҚОРАҚҮЛ туманида яшовчи фуқаро У.Маттиев вилоят адлия бошқармасининг Қорақул туманидаги сайёр қабулида турмуш ўртоғини иш билан ва қизини ногиронлик аравачаси билан таъминлашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Адлия бошқармаси томонидан кўрилган таъсир чоралари натижасида аризачининг турмуш ўртоғи М.Махмудова "Арабхона" МФЙга жамоат ишларига ишга қабул қилинди ва қизи Ч.Эргашова ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Туйғун АЗИМОВ,
Бухоро вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

Оқланган "хабарчи"га 30 МИЛЛИОН МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

ТЕРМИЗ тумани А.Навоий маҳалла-сида яшовчи фуқаро Айнахон Мўминова 2002 йилда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали Учқизил почта тармоғига қарашли "Намуна" алоқа бўлими хабарчиси вазифасига ишга қабул қилинган. Термиз туман прокуратураси томонидан А.Мўминовага Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан жиноят иши кўзгатирилган ва 2014 йил 12 октябрда А.Мўминовага нисбатан қамқоқ эҳтиёт чораси қўлланилган. У 2014 йил 12 октябрдан 2014 йил 24 ноябрь кунига қадар Термиз шаҳридаги 8-сонли тергов ҳибсхонасида сақланган.

Жиноят ишлари бўйича Қизилқум туман судининг 2014 йил 24 ноябрдаги ақримиға асосан фуқаро А.Мўминованинг фойдасига 5 миллион 150 минг 009 сўм миқдоридидаги моддий зарарни ундириш ҳақидаги қарор қабул қилинган ва етказилган маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Фуқаро А.Мўминовага етказилган 5 миллион 150 минг 009 сўм моддий зарар Термиз туман адлия бўлимининг аралашуви билан фуқарога Термиз туман Молия бўлими орқали ундирилишига эришилди.

2018 йил 9 август кунини жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди Кассация судлов ҳайъатининг оқлов ақримиға асосан А.Мўминова айбсиз, деб топилган ва реабилитация қилиш йўли билан оқланган. Бироқ унга етказилган маънавий зарарлар ундирилмасдан қолиб кетган.

Фуқаролик кодексининг талабларидан келиб чиқиб Термиз туман адлия бўлими томонидан Айнахон Мўминова ва 2014 йил 12 октябрдан 2014 йил 24 ноябрга қадар 42 кун давомида фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ чекланган ҳолда яшашга мажбур бўлганлиги, уни танийдиганлар салбий фикрга келиб

унинг обрўйига путур етган ва ҳибсхонада сақланган вақтда ўзининг соғлиғини йўқотганлиги аниқланди. Ушбу жиноят иши юзасидан Олий судга ва бошқа юқори турувчи идораларга ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун мурожаат этиш мақсадида бир неча мартаба Термиз ва Тошкентга қатнашга мажбур бўлган ҳамда 50 миллион сўм миқдоридидаги маънавий ва кўп миқдорда моддий зарарларни кўрган, деб ҳисобланиб, фуқаро А.Мўминованинг манфаатини кўлаб коқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳамда соғлиғини йўқотганлиги ва шаъни, қадр-қиммати камситилганлиги учун етказилган 50 миллион сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди томонидан мазкур фуқаролик иши мазмунан кўриб чиқилди ва фуқаро А.Мўминова фойдасига жавобгар Термиз туман Молия бўлими орқали давлат бюджети ҳисобидан маънавий зарар учун 30 миллион сўм ундирилиши ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ, УНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙГАНЧИ?

ОҚОЛТИН туман адлия бўлими томонидан Сардоба шаҳарчаси Ат-Термизий кўчасида яшовчи Б.Маматов ва бир гуруҳ аҳолининг ичимлик суви етказиб бериш бўйича вужудга келган муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беришни сўраб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, туман марказидаги Ат-Термизий кўчасига яқин бўлган собиқ "Ёғ экстракт" корхонаси ҳудудида қазиб чиқарилган сув қудуғидан ичимлик суви корхона рухсати билан қувур орқали чиқарилиб истеъмол қилиб келинган. Ушбу корхона тутатилгандан сўнг корхона ҳудудида жойлашган сув қудуғи туман сувоқова ҳисобига ўтказилиб, фуқароларга ичимлик суви бериш таъинланган.

Туман адлия бўлими томонидан фуқароларнинг манфаатларини кўлаб Оқолтин туман Сувоқова корхонасига киритилган тақдимнома қисқа кунларда ижобий ҳал этилди.

Ушбу тақдимнома Сувоқова корхона-

сининг соҳага масъул ходимлари томонидан муҳокама қилиниб, зудлик билан чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, сув узатиш минораси оператори бўлиб ишлаб келган Д.Умарова сув тортиш насосига эътиборсизлик билан қараганлиги оқибатида сув насоси куйиб, яроқсиз ҳолатга келган. Натижада Ат-Термизий ва Валихонов кўчаларида яшовчи аҳоли 15-20 кун мобайнида ичимлик сувсиз қийналган.

Ушбу ҳолат бир неча бор такрорланганлиги сабабли, оператор Д.Умарова эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди. "Қўркам дийр" МФЙда жойлашган сув минораси тик қудуғига янги "Grandfor" GF-450 насоси ўрнатилди. Ҳозирги вақтда Ат-Термизий ва Валихонов кўчаларида яшовчи аҳоли ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

Турсунбой КАРИМОВ,
Оқолтин туман адлия бўлими бошлиғи

ҲОКИМ ФАРМОЙИШИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

НАМАНГАН вилоят адлия бошқармаси томонидан Чуст туманида фаолият юритувчи "ART SHOW" ҳу-сусий корхонаси раҳбари Ж.Исма-туллаевнинг Чуст туман ҳокимининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини соат 23:00 дан кейин чеклаш ҳақидаги 2019 йил 19 февралдаги 30-Ф-сонли фармойишига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида аниқланишича, Чуст туман ҳокимининг 2019 йил 19 февралдаги 30-Ф-сонли фармойиши 2-бандига асосан Чуст тумани ҳудудида жойлашган барча ресторани, кўнгилочар тадбирлар ўтказиш шохобчалари (ошхона, чойхона, тунги клублар) умумий овқатланиш объектлари ҳамда истеъмол моллари билан савдо қилувчи чакана савдо объектлари

маъмурияти томонидан иш вақтинини эрталаб соат 08:00 дан кеч соат 23:00 гача этиб белгилаш, алкоголь маҳсулотлари сотиш шохобчаларининг иш вақти эса эрталаб соат 08:00 дан кеч соат 20:00 гача этиб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб белгиланган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан мазкур фармойишни бекор қилиш юзасидан 2019 йил 29 мартда чиқарилган тақдимномага ҳамда Чуст туман ҳокимининг ушбу тақдимнома ижроси юзасидан 2019 йил 10 апрелдаги 2617-сонли қарорига асосан Чуст туман ҳокимининг 30-Ф-сонли фармойиши бекор қилинди.

Сардорбек АЗИЗОВ,
Наманган вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

ЭСКИ ҲАММОМ — ЭСКИ ТОС ёхуд иш услуби ўзгармаётган "Ермулккадастр"

НАМАНГАН вилояти, Уйчи тумани, Гулбоғ маҳалласи, Дўстлик кўчаси, 17-уйда яшовчи фуқаро М.Эргашева томонидан Президентнинг Виртуал қабулхонасига 2019 йил 8 апрель кунини уй-жойининг кадастр ҳужжатини расмийлаштириш юзасидан қилган мурожаати Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари Агентлигининг Наманган вилоят бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида фуқаро М.Эргашева уй-жойининг кадастр ҳужжатини расмийлаштириш юзасидан Уйчи туман Давлат хизматлари марказига жорий йилнинг 11 апрелида мурожаат қилганлиги маълум бўлди.

Марказ томонидан мазкур мурожаат шу куннинг ўзида электрон тизим орқали ўзбошимчилик билан қўрилган иморатга

нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича комиссия ишчи органи "Ермулккадастр" ДКнинг Уйчи туман филиали масъул ходими томонидан ўзбошимчилик билан қўрилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш юзасидан ҳулоса олиш учун комиссияга юборилмаганлиги аниқланди.

Ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан Агентлигининг Наманган вилоят бошқармаси томонидан "Ермулккадастр" ДК Уйчи туман филиали мутахассиси Б.Турсуновга нисбатан "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида"ги баённома расмийлаштирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдоридида жарима жазоси қўлланилди.

Худди шу каби ҳолатга Мингбулоқ туманида яшовчи фуқаро Т.Жамолдиндиннинг Президентнинг Виртуал қабулхонасига қилган мурожаатини ўрганиш жараёнида "Ермулккадастр" ДК Мингбулоқ туман филиали мутахассиси А.Аъзамов томонидан ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Ва А.Аъзамовга ҳам "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида"ги баённома расмийлаштирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдоридида жарима жазоси қўлланилди.

Бундан ташқари, Наманган шаҳар, "Ўрта гирвон" маҳалласи, Н.Рахимов кўчасида яшовчи фуқаро Н.Шарипова ҳам 2019 йил 5 февралда "Ермулккадастр" ДК Наманган шаҳар филиалига мурожаат қилган.

Бироқ "Ермулккадастр" ДК Наманган

шаҳар филиали томонидан мурожаат юзасидан ўрганиш кунига қадар жавоб хати юборилмаган.

Мазкур қонунбузилиш ҳолати юзасидан Агентлигининг Наманган вилоят бошқармаси томонидан "Ермулккадастр" ДК Наманган шаҳар филиали мутахассиси А.Осуповга нисбатан қонуний чора кўриш юзасидан Наманган шаҳар прокуратурасига тегишли хат ҳамда "Ермулккадастр" ДКнинг Наманган вилоят бошқармасига "Қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида"ги тақдимнома юборилди.

Дилноза ЗОКИРОВА,
Давлат хизматлари Агентлиги
Наманган вилоят бошқармаси
масъул ходими

ФАРҒОНА шахрида яшовчи Мухаббат Мансурова (исм-шарифлари ўзгартирилган) бошқа шайхда 28 ёшда. Аммо у айни дугоналари ва тенгдошлари сингари бир оиланинг гулдех бекаси бўла олмади. Энг ачинарлиси, М.Мансурова бугунгача 4 мартаба судланишга "улгурди".

НОРАСИДА ГЎДАК ОНАСИНИНГ ЖОНИГА ОРА КИРДИ

Мухаббат дастлаб бир гуруҳ шахслар билан олдидан тил бириктириб, 2 мартаба фирибгарлик жиноятини содир этганида 24 ёшда эди. Шу боис жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2015 йил 17 июлдаги ҳукмига биноан 3 йилу 7 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Лекин давлатимиз томонидан унга нисбатан баргикенглик тамойили қўлланиб, жиноят ишлари бўйича Зағиота туман судининг 2016 йил 25 февралдаги ахримиға кўра, ўталмай қолган 2 йилу 7 ой 1 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 74-моддаси тартибда шу муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган. Уша йилнинг 16 декабрида бўлса унинг ўталмай қолган жазоси учдан бир қисмиға қисқартирилган. Ўтган 2018 йил 31 июлда эса жазо муддати тугаган. Бироқ...

Бироқ жазо муддати тугагандан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас Мухаббатнинг фирибгарликка ўрганган кўнгли яна ўрта-ниб қолди. У 2018 йил август ойининг бошларида Кува туманида яшовчи таниши Шахрихон Толибжонованинг 25.390.000 сўмлик, фуқаро Жамила Абдусаматованинг 8.000.000 сўмлик Туркия ва Хитой давлатларида ишлаб чиқарилган чойшаб, сочиқ, жойнамоз, ёпинчиқ ва бошқа товарларини сотиб, пулини беришини айтиб олади. Аммо олган товарларини сотишга сотади-ю, пуллари ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Шундан сўнг М.Мансурованинг "иштах"си янада очилиб кетади. Орадан бир ой ўтиб, 2018 йил сентябрь ойида яна бир таниши Салима Нажмиддинованинг ҳам 18.831.300 сўмлик чойшаб, катта-кичик сочиқлар ва ёпинчиқларини сотиб, пуллари келтириб беришини айтиб алдайди. Лекин аввалгидек бу товарларни ҳам сотиб юбориб, пуллари ўз жигилидониға уради.

Бундан ташқари, "қахрамон"имиз фуқаро Мукаррам Ортиқовани ҳам ўзининг фириб тўриға "илинтиради". Яъни, М.Ортиқованинг 8.230.000 сўмлик чойшабларини сотиб, пулини беришга ишонтариб олиб кетади. Бироқ Мукаррам опа товарларининг пулини ололмайди. Негаки, Мухаббат ундан олган чойшаблар пулини аллақачон шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганди. Шу тариқа у жабранувчиларни турли баҳоналар билан алдаб, лақиллатиб юраверади. Охири-оқибат, тоқати тоқ бўлган Шахрихон Толибжонов ва хусусда Бош

прокуратуранинг "Ишонч телефони"ға мурожаат қилади. Оқибада М.Мансуровага нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, "б"-банди билан жиноят иши кўзгатилади.

Мазкур жиноят иши кўзгатирилганга қадар жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2018 йил 21 декабрдаги ҳукмиға биноан Мухаббат товламачилик жиноятини содир этгани учун ҳам судланиб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига тортилади. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Фуқрат туман суди фирибгар хонимға нисбатан ўталмаган 2 йил 9 ой 7 кун озодликни чеклаш жазосини ҳам қўшиб, 5 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган ҳамда унинг 2018 йил 19 апрелда тутилган қизи Баҳора Мансуровани қариндошлари ёҳуд бошқа шахсларнинг васийлиги ёки ҳомийлигиға топшириш масаласини воёга етмаганлар ишлари бўйича Фарғона шаҳар идоралараро комиссияси зиммасига юклаш юзасидан ахрим чиқарганди. Аммо М.Мансурова жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция шикоятини беради. Қолаверса, аёлнинг қариндошлари апелляция суди маҳлисига қадар жабранувчиларға келтирилган зарарнинг қўлгина қисмини қоплашади. Шунингдек, жабранувчилар С.Раҳмонова ва М.Ортиқовалар ўзларига келтирилган зарарнинг қопланмаган қисмидан воз кечишади. Энг эътиборлиси, апелляция судлов ҳайъати Мухаббатнинг қарамоғида бир ёшли қизалоғи Баҳора Мансурова борлигини инобатға олган ҳолда унга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини жарима жазосига алмаштириб, судланувчини дарҳол суд залида қамқондан озод қилди. Бошқача айтганда, бир ёшли Баҳора онасининг жонига оро кирди. Эслатиб ўтамизки, энди Мухаббат Мансурова ана шу фарзандининг ёруғ келажагини барбод қилмаслик учун ҳам жиноятга қўл урмаслиги шарт.

Бехзод ЭРҒАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судьяси,
Оловиддин ХАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Фуқрат туман суди раиси

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА КУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ



— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 7 мартдаги Қарориға асосан Тошкент шаҳри ва барча ҳудудларда Оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилишини эшитдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Ш.ЖўРАЕВ,
Тошкент шаҳри

— Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида аҳамиятга молик ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Қарорға биноан Тошкент шаҳри ва барча ҳудудларда Оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилиши белгиланди. Ушбу марказлар оилаларнинг барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлишиға, касаначилик, томорқа ёки бўш турган ер майдонларидан самарали фойдаланишға, миллий хунармандчилик турларини ривожлантиришға, пиروвардида, одамлар бандлигини таъминлашға хизмат қилади.

Қарор билан ўтган йил ёзидан буён амалга ошириб келинаётган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида назарда тутилган лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтлари кредит линиялари маблаглари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди. Имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишға қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истигини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3 — 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.


Аҳолиға имтиёзли кредитлар "Ҳар бир оила — тадбиркор" ва "Ёшлар — келажагимиз" мақсадли дастурлари бўйича оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш марказлари орқали тақдим этилади.

Товарлар (хизматлар) шартнома асосида келишилган нарҳда етказиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилгандан сўнг ажратилади ва маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисобрақамиға ўтказиб берилади.

Бир ой муддатда барча туман (шаҳар)ларда аҳоли ва муҳтож оилаларни фойдали меҳнатга жалб этган ҳолда экспортдоп, бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган қишлоқ ҳўжалиғи ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини қамраб олган кластер тизимини кенг жорий этиш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш топширилди.

Ҳар бир маҳалла ҳудудининг ўзига ҳосилгидан келиб чиққан ҳолда "бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида муайян бир йўналишға ихтисослашади.

**Саволға Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қўнилий
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил девонининг
Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият
кўрсатувчи ходими
Дониёр МАХМУДОВ жавоб берди.**



Товламачи "ШОВВОЗ" қўлга тушди

БУГУНГИ кунда интернет дунёнинг энг машҳур кутубхоналари ва етакчи олий таълим даргоҳларига олиб кирадиган, масофавий илм, электрон тижорат ва бошқа қимматли воситалар эшигини очиб берадиган вазибаларни бажармоқда. Изланувчан инсон учун бениҳоя зарур ва керакли, катта наф келтирувчи манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, миллий интернет орқали тақлиф этиладиган хизматлар доираси чеклангани сабабли аҳолининг аксарият қисми интернетнинг фақат Telegram мессенжеридан фойдаланмоқда.

Қачонки интернетдан тўғри фойдаланилса, унинг салбий таъсирларидад химояланиш мумкин. Лекин нотўғри мақсадларда фойдаланилса, вазият анча чигаллашади.

Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ туманида яшовчи Холтўра Замонов (исм-шарифлари ўзгартирилган) эндиғина 25 ёшни қаршилаган. Ислон билим юртида таҳсил олган. Яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган. Унинг илми ва юриш-туришиға кўпчилигининг ҳаваси келарди. Лекин...

Лекин у ўзига тегишли савдо дўконида сотувчи бўлиб ишловчи Лобар Парпиеванинг телефон рақами орқали унинг интернетдаги — Telegram мессенжеридан профилиға унинг номидан кириб, жияни Мухсин Олимов билан мулоқот қилиб юрганини кўриб қолади ва фикр-хаёли бузилади.

Ўзига Telegram мессенжери орқали янги профил очиб, Лобар Парпиеванинг

Telegram мессенжериданги профилиға турли ёзувлар юбориб, унга Мухсин Олимов билан шахсий ёзишмалари, фото ва видеоларини кўрсатиб, Лобар Парпиева учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни тарқатиб юборишини айтиб, уни қўрқитиб, товламачилик йўли билан 500 АҚШ доллари талаб қилади.

Имконсиз аҳволға тушиб қолган Лобар Парпиева товламачи Холтўра Замоновнинг тақлифига рози бўлди ва улар ушбу ёзувларни тарқатмаслик эвазига 3.500.000 сўмға келишишади. Лобар Парпиева эса бу ҳақида ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идораларға хабар беради.

Холтўра Замонов ўзи билан билим юртида бирта тақсил олган Нозим Валиевдан фойдаланиб, уни Лобар Парпиева билан учрашиб, келишилган пулни олиш учун юбориб, ўзи эса Telegram мессенжери орқали Лобар Парпиеваға пулни олиб бориш ва қўйиб кетиши керак бўлган жойларни айтиб туради.

Бироқ Холтўра Замоновнинг худди кинофильмларда тасвирлангани каби усуллардан фойдаланиб, Лобар Парпиевадан пул олмақчи бўлиш жиноий мақсади амалға ошмади.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи ту-

ман судининг очиқ суд мажлисида мазкур жиноят иши ҳар томонлама мазмунан кўриб чиқилди.

Суднинг ҳукмиға кўра, Холтўра Замонов Жиноят кодекси 165-моддасининг 1-қисми (товламачилик) билан айбли деб топилиб, унинг айбига иқдор ва чин қўнғилдан пушаймонлиги, ёшлиғи, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келиши, жиноят содир қилгандан кейинги ҳуққ-атвори, жабранувчидан кечирим сўраганлари, жабранувчининг даъвоси йўқлиғи, биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир қилганлиғи ва яшаш жойидан ижобий таъсирлангани каби жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар эътиборға олинб, инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилиниб, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш билан болғиқ бўлмаган енгилроқ жазо, яъни жарима жазоси тайинланди.

Ш.БАХТИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Чироқчи туман суди судьяси



Фарғона вилоят
ҲОКИМЛИГИНИНГ
**“ЯГОНА БУЮРТМАЧИ
ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ
КОМПАНИЯСИ”
ЖАМОАСИ**
халқимизни 9 май — Хотира
ва қадрлаш куни билан
қизғин табриклайди!

Юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Ўтганларни ёд этиб, ёши улғларимизнинг ҳолидан хабар оламиз, бугунги тинч, хотиржам ҳаётимиз учун шукроналар айтамыз. Негаки, машъум уруш оқибатида ўз жонидан кечиб, бизга тинчлик туҳфа этган ота-боболаримиз жасорати туфайли бугун фарзандларимиз бағримизда шод ва баркамол улғаймоқда. Тинчлик туфайли шаҳарларимиз обод, боғларимиз тўкин ва файзиёб, ниятларимиз яхши, рўзгоримизда барака, хотиржамлик бор. Истардикки, барча тинчликсевар халқларнинг орзуи бўлган заминимиз ва осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин. Ватанимиз тинчлиги барқарор ва бардавомлиги абадий давом этсин. Осуда ва тинч ҳаётимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани “Ягона дарча” марказида 15.09.2017 йилда 543504 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Зулфизар кўчаси, 83-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган “JUBILAT” масъулият чекловчи жамоаси (СТПР 305 051 474) ташкисисининг 2019 йил 2 майдиги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (93) 152-03-06.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 07.01.2019 йилда 597681 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Урмқор мавзе, ТХАУ ва Bozysu kanali oraliqidagi majmua shahning 5-konteynerdan tashkil topgan turli yul mavzu alohoxlashani maqsadida qayta davlat ruyxatidan o'tgan "GOROUTAN CO" mas'uliyati cheklanmagan jamiyati (СТПР 305 485 794) ташкисисининг 2019 йил 22 апрелдаги 3-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 357-76-63.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 06.03.2018 йилда 589978 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 11-мавзе, 3-уй, 17-қоғнада манзилда давлат рўйхатидан ўтган “DINKA STOM” масъулият чекловчи жамоаси (СТПР 305 384 018) ваха ташкисисининг 2019 йил 1 майдиги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 838-99-29.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани “Ягона дарча” марказида 05.05.2017 йилда 515222 рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “AZIZA OZODBEK” хусусий қарорасининг (СТПР 304 877 296) штамини йқолганлиги сабабидан бекор қилинади.
Тел.: (93) 504-99-29.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 19 апрелдаги 77-ум-сонли буйруғига асосан Шахринов Насиб Эргашевичга “NAVQIY HUKUQ ZIYOVI” адвокатлик фирмасига ишга кирганлиги сабабидан №72 рақамли адвокатлик гувоҳномаси бекор қилинганлиги маълум қилинади.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 17 апрелдаги 78-ум-сонли буйруғига асосан “MIRANSHOX-ADOLAT” адвокатлик бекор қилинган буйруғига тасдиқ рақами 52) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълум қилинади.

Сиротти тумани Давлат хизматлари маркази томонидан (Сиротти тумани, Обхот кўчаси, 3а-уй) 2018 йил 2 ноябрда 947287 сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “ABDUMADJID FOOD SERVICE” МЖК манзили Сиротти тумани, Сайр-37 (СТПР 305 835 515) ташкисисининг 3-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қароранга почта манзили бўйича қабул қилинади.

Миро Улуғбек тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 28.12.2017 йилда 50785-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Миро Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй манзилда жойлашган

“GENESIS TP” хусусий қарорасини 30.04.2019 йилдаги 3-сон қарорига асосан тугатилди.
Давлолар (97) 775-11-72 телефон рақами орқали қабул қилинади.
СТПР: 306 186 178.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибидан” Низоининг 28-банди асосини таъминлаш мақсадида назарда тутилган 2019 йил 7 апрелдаги 177-ум-сон буйруғи билан Қўрақалонистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йил 26 апрелда 111-сон билан давлат рўйхатига олинган Нуҳус шайхон, “Жуғазин” МЖЙ, Лойқалаштириш кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган “CONSUL. ORDALIUM” адвокатлик бекор қилинган (СТПР 207 251 532) давлат рўйхатидан “чиқарилганлиги” маълум қилинади.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 12 апрелдаги 160-162-ум-сонли буйруғига асосан Бошқарма томонидан 2019 йил 14 июлда берилган АН №000207-сонли лицензия эгаси “Адвокат Зафар” адвокатлик бекор қилинган Нуриддин Зафар Алимжон-вичнинг адвокатлик маркази ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши 2019 йил 2 мартдан 6 ой муддатга, 2018 йил 21 декабрда берилган АН №000101-сонли лицензия эгаси, “А.С.Хўқ” адвокатлик фирмаси адвокат Миррабдуллоев Умардан Турлибоннинг ва 2018 йил 21 декабрда берилган АН №000132-сонли лицензия эгаси, “А.С.Хўқ” адвокатлик фирмаси адвокати Парвиз Нозимжон Қозимжонвичларнинг адвокатлик маркази ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура” тузилмасидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 16 апрелдаги 151-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “SAM AVANGARD LEGAL” адвокатлик фирмаси ва адвокат Гиссов Хамза ўртада адвокатлик тузилмаси билан тузилган шартномасини бекор қилинганлиги сабабидан “Адвокатура” тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 131-моддасига асосан (адвокат томонидан ўқибдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилушига оидар ёқид маълум адвокатлик тузилмаларидан бирига кўчурганга кўчар бўлган давлат) унинг адвокатлик маркази тўхтатилади.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 17 апрелдаги 173-ум-сонли буйруғига асосан Бошқарма томонидан 2018 йил 21 декабрда берилган АН №000117-сонли лицензия эгаси “HUKUQ HAMKOR” адвокатлик фирмаси адвокат Комилева Мувадда Абдураҳмоновичнинг адвокатлик маркази ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилади.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Юрдашев Азиз Аамирович 2018 йил 24 декабрда берилган АН №000019-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берган лицензиянинг амал қилиши қандаш адвокатлик маркази тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 23 апрелдаги 79-ум-сонли буйруғига асосан “MIRANSHOX-ADOLAT” адвокатлик бекор қилинган адвокат Паламова Хабиба Махдумовна №073 рақамли адвокатлик гувоҳномаси бекор қилинганлиги маълум қилинади.

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.11.2015 йилда № 010569-10 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “SANJAR REAL SERVICE” масъулият чекловчи жамоаси тугатилди.
Давлолар (97) 745-93-63 телефон рақами орқали қабул қилинади.
Йиғ: 303503289.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси Термиз шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Хамро Бобоқуллова турмуш ўртоғи **Назозат БОБОҚУЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал кафедраси доценти Олим Нарзуллаевга отаси **Холмамат НАРЗУЛЛАЕВИН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

ХОЛИС ВА ҲАҚИҚИЙ

НОМЗОДЛАР

САЙЛАНМОҚДА



БУГУНГИ кунда кучли ижтимоий-сиёсий тамойилни амалга ошириш борасида мамлакатимизда ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳолига энг яқин тузилма бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 37 та комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, бу борада бир қатор ҳуқуқий мақомга эга ҳужжатлар қабул қилинди.

Бироқ изчил ислохотларнинг ҳозирги босқичида маҳаллаларни янада қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, шу билан бирга мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу боис, 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, Қонуннинг 8-моддасида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини томонидан, фуқаролар йиғинини қақариш имкони бўлмаган тақдирда эса фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан уч йилга сайланади, дейилади. Шу пайтгача оқсоқолларнинг ваколат муддати 2,5 йил қилиб белгиланган эди. Амалиётда бу муддат сайловларни ҳар доим аниқ бир вақтда ўтказиш имконини бермас-

ди. Бу вақт, раисларнинг билим ва бошқарув маҳоратларини ҳаётда намоён этишига етарли вақт эмас эди. Ҳозирда янги муддат юқоридаги камчилик ва бўшлиқларни тўлдиришга имкон яратади.

Шунингдек, Қонуннинг 12-моддасига кўра, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлар вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгагининг қарори билан комиссиялар тузилади. Комиссиялар фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови эълон қилингандан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Ушбу Қонунда вакилларга ҳам талаблар ўрнатилган бўлиб, эндиликда қонда тариқасида ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган кишилар вакил бўлишади. Раис лавозимига кўрсатилган номзодлар ёки уларнинг яқин қариндошлари вакил бўлиши мумкин эмас, дейилган.

Қонуннинг 18-моддаси, бешинчи бандига кўра, вакиллик нормасини тегишли комиссия белгилайди. Бунда, фуқаролар вакилларининг сони

сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этиши керак. Бу эса, яна бир бор сайловни тўғри ва адолатли имкон яратади.

Бундан ташқари, Қонуннинг 20-моддасида фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилиши белгиланган. Бунда адолат билан ишлайдиган билимли раисни сайлаш имконияти таъминланади.

Қонунга киритилган шу каби қўшимча ва ўзгартишлар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида учраб келаётган қатор камчиликларни бартараф қилади. Бу ҳозирда бўлиб ўтаётган сайлов жараёнида ҳар томонлама муносиб номзодларни сайлаш ва сайловда холис-лик, ошкоралик ва адолатлиликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

С.БОБАҚУЛОВ,

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари директори, юридик фанлар доктори, профессор

РЕКЛАМА

Хурматли юртдошлар!

"АСАКА" БАНК

"Асака" банк яқинлашиб келаётган 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади:

"ХОТИРА"



Омонат муддати
13 ойгача.



Омонатга йиллик 21 фоиз ҳисобланади. Омонат фақатгина 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва Афғонистон Республикасида жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ ҳарбийлар учун очилади.



Шу билан бирга, "Асака" банк миллий ва хорижий валютадаги 10 дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонат турларини таклиф этади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: "Асака" банк филиаллари телефонлари:

(78) 120-26-14, (78) 120-26-15

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- декларация қилинмайди!
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

"АСАКА" БАНК — сармоянгишни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
www.minjust.uz



Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқупов Ахбар Журабоевич
Рабинов Шерзод Миржалолиевич
Тожинов Фурқат Шомировович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайнабдин Очилович

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадхия Авазова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 11773
Буюртма — V-3380
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 22:00
Ушбу сонда ўзА суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09
Баҳоси белгиланган нархда
1 2 3 4 5